

**БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ҲАМДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН
БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ**

Эшназаров Лазизбек Мансурович,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси
E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Шомирзаев Саходулла Хасанбоевич,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Дастлабки тергов ва суриштирув кафедраси
доценти, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

Аннотация:

Мазкур тадқиқот божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳамда божхона тўловларидан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий моҳиятини ўрганишга қаратилган. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлил қилиниб, мазкур жиноятларнинг обектив ва субъектив белгилари, уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсири ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилди. Шунингдек, мазкур турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва уларни квалификация қилишдаги муаммолар ёритилди. Натижалар шуни кўрсатадики, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши самарали курашиш давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: божхона қонунчилиги, божхона тўловлари, бўйин товлаш, жиноят, иқтисодий хавфсизлик, ҳуқуқий табиат, квалификация, жавобгарлик.

**ПРОБЛЕМЫ ПОНЯТИЯ И ПРАВОВОЙ ПРИРОДЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С
НАРУШЕНИЕМ ТАМОЖЕННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И УКЛОНЕНИЕМ ОТ УПЛАТЫ
ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ**

Эшназаров Лазизбек Мансурович
Исследователь Академии правоохранительных органов
E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Шомирзаев Саходулла Хасанбоевич
Доцент кафедры предварительного следствия и дознания
Академии правоохранительных органов,
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

Аннотация:

Данное исследование посвящено анализу правовой природы преступлений, связанных с нарушением таможенного законодательства и уклонением от уплаты таможенных платежей. В работе рассматриваются нормы законодательства Республики Узбекистан, а также анализируются объективные и субъективные признаки данных преступлений, их влияние на экономическую безопасность и практика правоприменения. Кроме того, освещаются проблемы квалификации и степень общественной опасности данных деяний. Результаты исследования

показывают, что эффективная борьба с такими преступлениями играет важную роль в обеспечении экономических интересов государства.

Ключевые слова: таможенное законодательство, таможенные платежи, уклонение, преступление, экономическая безопасность, правовая природа, квалификация, ответственность.

CONCEPT AND LEGAL NATURE OF CRIMES RELATED TO VIOLATION OF CUSTOMS LEGISLATION AND EVASION OF CUSTOMS PAYMENTS

Eshnazarov Lazizbek Mansurovich

Researcher at the Law Enforcement Academy

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Shomirzaev Sakhodulla Khasanboevich

Associate Professor of the Department of Preliminary

Investigation and Inquiry at the Law Enforcement Academy,

Doctor of Philosophy in Law (PhD), Associate Professor

Abstract:

This study examines the legal nature of crimes related to violations of customs legislation and evasion of customs payments. The research analyzes the legislation of the Republic of Uzbekistan, focusing on the objective and subjective elements of such crimes, their impact on economic security, and law enforcement practices. Additionally, the study highlights the social danger of these offenses and issues related to their qualification. The findings suggest that effective countermeasures against customs-related crimes play a crucial role in protecting state economic interests.

Keywords: customs legislation, customs payments, evasion, crime, economic security, legal nature, qualification, liability.

Кириш

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув жараёнлари ташқи иқтисодий фаолият ҳажмининг кескин ошишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатлар ўртасида товар ва хизматлар ҳаракатининг кенгайиши, шунингдек, божхона муносабатларининг мураккаблашуви билан изоҳланади. Мазкур шароитда божхона соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бюджет тушумларини барқарор шакллантириш устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳамда божхона тўловларидан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар иқтисодий жиноятлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жиноятлар давлат молиявий манфаатларига бевосита зарар етказиши билан бирга, ички бозор барқарорлигига, соғлом рақобат муҳитига ва инвестицион жозибадорликка салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликлар давлат бюджетига тушиши лозим бўлган маблағларнинг камайишига олиб келиб, иқтисодий хавфсизликка жиддий таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда божхона соҳасини ислоҳ қилиш, уни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, божхона маъмуриятчилигини рақамлаштириш, хавфларни бошқариш тизимини жорий этиш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ, шунга қарамасдан божхона тўловларидан бўйин товлаш ва қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари амалиётда учраб турибди. Мазкур ҳолатлар ушбу турдаги жиноятларнинг ҳуқуқий табиатини чуқур ўрганиш, уларни тўғри квалификация қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Шу нуқтаи назардан, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва божхона тўловларидан бўйин товлаш жиноятларининг тушунчаси, уларнинг объектив ва субъектив белгилари ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Асосий қисм. Божхона соҳаси давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи энг муҳим тизимлардан биридир. Ушбу тизимда товарлар, транспорт воситалари ва бошқа мулк объектлари божхона чегарасидан ўтганда махсус тартиб-таомиллар, солиқ ва божхона тўловларини ундириш механизмлари ҳамда назорат усуллари қўлланилади. Бундай тартиб ички бозор барқарорлигини таъминлаш, давлат бюджети тушумларини кафолатлаш ва иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Божхона қонунчилигини бузиш атамаси ҳуқуқий нуқтаи назардан ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг божхона тартибига зид ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида давлатга молиявий зарар етказилишига олиб келадиган муносабатларни ифодалайди. Бу жараён фақат декларация қоидаларини бузиш билан чекланмайди, балки божхона ҳужжатларида ёлғон маълумотни тақдим этиш, товарларни яшириш ва божхона назоратини айланиб ўтишга уриниш шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин¹.

Айрим олимлар бу тушунчани иқтисодий жиноятларнинг бир сегменти сифатида қараб, унинг ижтимоий ва молиявий оқибатларини икки йўналишда таҳлил қиладилар: биринчидан, давлат ресурсларининг сунъий равишда камайиши; иккинчидан эса бозор институтларининг ишончлилигига путур етказилиши. Жаҳон банки ва халқаро иқтисодий экспертлар божхона қонунбузарликларини давлатнинг институционал салоҳиятига таҳдид солувчи омил сифатида баҳолайдилар².

Божхона тўловларидан бўйин товлаш жинояти ҳуқуқшуносликда аниқ белгиланган турга киради. У товарларни божхонадан ўтказиш жараёнида қонунида белгиланган мажбурий тўловларни — божхона тўловлари, аксиз солиғи ва бошқа мажбурий йиғимларни тўламаслик ёки уларни камайтириш мақсадида амалга оширилади. Бу жиноятнинг ҳуқуқий табиати шундадирки, у давлат молиявий тизими ва бюджет барқарорлигига бевосита зарар етказилади.

Ҳуқуқшунослар бу жиноятни таҳлил қилаётганда бир нечта концептуал ёндашувларни ажратадилар. Биринчи ёндашув жиноятни маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мураккаб шакли сифатида кўриб, унинг илдизи иқтисодий мотивлар билан боғлиқлигини таъкидлайди. Иккинчи ёндашув эса жиноятни давлат сиёсатига қарши ижтимоий хавфли ҳаракат деб баҳолаб,

¹ Bojxona huquqi. Salixova F.T., Rahmatov E.J., Askarov J.T. 2019. <https://library-tsul.uz/category/bojxona-huquqi/>

² Global Economic Crime Report. – Thomson Reuters Foundation, 2022. <https://www.trust.org/2023/05/11/thomson-reuters-foundation-publishes-2022-annual-report/>

уни молиявий ва ҳуқуқий оқибатлари бўйича қатъий жазони талаб қилувчи ҳодиса сифатида қарайди³.

Халқаро стандартлар ҳам мазкур ҳуқуқбузарликларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон божхона ташкилотининг SAFE Framework стандартлари божхона тартибини жадаллаштириш, хавфни баҳолаш тизимини жорий этиш ва ноқонуний товарлар ҳаракатларини аниқлаш бўйича глобал меъёрларни белгилайди. Шу орқали божхона қонунчилигини бузилишининг қўшимча ижтимоий-иқтисодий хатарларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар моделлаштирилади⁴.

Шу тарзда, божхона қонунчилигини бузиш ва божхона тўловларидан бўйин товлаш жиноятлари ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро чамбарчас боғланган ҳодисалар бўлиб, давлат молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ва ички бозорни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон қонунчилигида божхона тўловларидан бўйин товлаш жинояти аниқ моддалар билан белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасига кўра, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказишни таъқиқлайди. Агар бундай ҳуқуқбузарлик содир этилса, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача жарима, тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланади.

Модда шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг оғир шакллари алоҳида белгилайди. Жуда кўп миқдорда товар олиб ўтиш, чегарани божхона хизмати розилигисиз бузиш, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатлари учун амалга оширилиши ҳамда хизмат лавозимидан суиистеъмол қилиниши ҳолатларида жазо оғирлаштирилади. Бундай вазиятларда жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юздан олти юз бараваригача белгиланиши, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланиши мумкин.

Умуман олганда, Божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тури асосан қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликларнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, бу миқдор ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги қийматга қараб аниқланади.

“Божхона қонунчилигини бузиш” жиноятининг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товар ва бошқа қимматликларни белгиланган тартибга зид равишда олиб ўтиш ҳисобланади. Бу жараёнда товар ёки бошқа қимматликларга нисбатан божхона тўловларининг мавжудлиги ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас⁵.

³ Федоров А.В. Уголовная ответственность за контрабанду: проблемы квалификации и применения законодательства. – Москва: Юрлитинформ, 2019.

⁴ Жаҳон Божхона Ташкилоти. SAFE Framework of Standards to Secure and Facilitate Global Trade. – Brussels <https://www.wcoomd.org>

⁵ Bojxona sohasini ma'muriy-huquqiy tartibga solish. Salixova F. 2024 <https://library-tsul.uz/category/bojxona-huquqi/>

Божхона қонунларини бузиш ҳаракати, яъни божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида таърифланади. Бундай ҳуқуқбузарлик учун қонунда маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя қилишга ундаш, унга ва жамиятга янги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан жазо чораларини қўллашни назарда тутди.

Жиноий жавобгарлик эса, божхона жиноятини содир этган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм чиқариш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш орқали ифодаланади. Бу борада жиноят объекти давлат ва жамиятнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобланади, чунки ҳуқуқбузарлик натижасида божхона тўловлари давлат бюджетига тушмайди ва мамлакат иқтисодий аҳамиятига эга, чиқарилиши тақиқланган товарларнинг ноқонуний ҳаракати амалга ошади.

Божхона қонунчилигини бузиш жиноятининг бевосита объекти Ўзбекистон Республикасининг божхона чегара тартиби ва мамлакат иқтисодиётининг асосий принциплари ҳисобланади. Факултатив объект эса ҳуқуқбузарликнинг предмети ва субъектига қараб, аҳолининг соғлиғи, жамиятнинг ахлоқий ва маданий қадриятлари ҳамда тарихий-меросни ўз ичига олиши мумкин. Жиноятнинг предмети турли товарлар ва моддий қимматликлар бўлиши мумкин. Товарлар ҳар қандай кўчмас мол-мулкни, шу жумладан валюта ва валюта бойликларини, энергия манбаларини, транспорт воситаларини ва интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олади. Шунингдек, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳам товар сифатида ҳисобланади. Бироқ йўловчилар ва уларни ташиш воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари товар сифатида ҳисобланмайди.

Бошқа қимматликларга эса туридан, ҳолати ва қийматидан қатъий назар, тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамиятга эга буюмлар киради. Божхона қонунчилигини бузишнинг объектив томони товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтишдан иборат. Олиб ўтиш тушунчаси кенг бўлиб, унга транспорт воситалари орқали, халқаро почта жўнатмалари орқали, қувурлар ва электр узатиш линиялари орқали божхона ҳудудига олиб кириш ёки чиқариш каби ҳаракатлар киради⁶.

Қонунчиликда божхона тўловларидан бўйин товлашнинг иқтисодий оқибатлари ҳам инобатга олинади. Масалан, божхона органлари моддий зарар миқдорини аниқлаб, жиноятчига нисбатан маъмурий ёки жиноий жазо қўллади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Божхона қўмитаси ҳам таҳлил ва мониторингни амалга оширади, бу эса ички бозорнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Божхона тўловларини тўлаш мажбурияти “Божхона тўғрисида”ги қонунда белгиланган асосларга кўра юзага келади. Бу мажбурият ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисининг (декларантнинг) зиммасига юклатилади. Божхона тўловларини тўлаш мажбурияти товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш, божхона режимини ўзгартириш ёки бошқа ҳаракатлар натижасида юзага келиши мумкин.

⁶ Bojxona sohasini ma'muriy-huquqiy tartibga solish. Salixova F. 2024 <https://library-tsul.uz/category/bojxona-huquqi/>

Божхона тўловларини ундириш тартибига кўра, тўловлар ихтиёрий равишда ёки мажбурий тартибда ундирилиши мумкин. Ихтиёрий тўлаш муддати ўтгандан сўнг, божхона органлари тўловларни мажбурий тартибда ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Бу жараён Божхона кодексига белгиланган тартибда амалга оширилади⁷.

Шунингдек, қонунчиликда белгиланган чоралардан фойдаланиб, шахснинг нияти ва ҳаракатларининг қонунийлиги текширилади. Масалан, агар шахс қасдсизлик билан хатолик юзасидан тўловларни камайтирган бўлса, қонунчиликда бундай ҳолатлар жавобгарликнинг енгиллаштирилган шакли билан баҳоланади. Бу меъёрлар ички ҳуқуқий назорат ва қонунийликни таъминлайди.

Шу тариқа, Ўзбекистон қонунчилигида божхона тўловларидан бўйин товлаш жиноятининг ҳуқуқий табиати аниқ ва тизимли белгиланган. Ушбу меъёрлар шахснинг ҳаракатлари, нияти ва оқибатларини узвий боғлаб баҳолаш имконини беради ва давлат органлари учун адекват санкциялар қўллашни таъминлайди.

Таклиф ва тавсиялар: Ҳозирги кунда Божхона қўмитаси электрон мониторинг ва декларация тизимларини қўллайди. Лекин амалиётда назоратнинг самарадорлигини янада ошириш учун бир нечта чоралар қўлланилиши мумкин.

Биринчидан, **товарларнинг келиб чиқишини ва қийматини автоматик текшириш** тизимлари жорий этилиши лозим. Бу механизм орқали ноқонуний камайтириш ҳолатлари аниқланади ва шахсларга нисбатан тезкор чора кўриш имконини беради. Жаҳон божхона ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган SAFE Framework стандартлари бу йўналишда қўлланилиши мумкин.

Иккинчидан, **иқтисодий таҳлил ва прогноз қилиш** жараёнлари ҳуқуқий назорат билан интеграция қилиниши керак. Масалан, Global Economic Crime Report (2022) ҳисоботида қайд этилганидек, иқтисодий таҳлил орқали контрабанда ва боқимчи солиқлардан қочиш ҳолатлари аниқланиши ва уларга нисбатан жавоб чоралари аниқ белгиланиши мумкин. Бизнингча, Ўзбекистонда ҳам қонунчиликда иқтисодий таҳлилга асосланган қонуний жараёнларни жорий этиш лозим.

Шунингдек, қонунчиликда **жиноятни содир этган шахснинг шахсий ва ижтимоий мотивларини** ҳисобга олиш муҳим. Масалан, шахс қасдсизлик билан хатолик ёки ноқонуний савдо шартларини тушунмаслик натижасида тўловларни камайтирган бўлса, унинг жавобгарлиги енгиллаштирилган шаклда белгиланиши мумкин. Бу механизм ички бозорнинг барқарорлигини сақлаш ва қонуний ишончни таъминлаш учун муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда божхона тўловларидан бўйин товлашга қарши самарали чора-тадбирларни кучайтириш учун халқаро тажрибадан фойдаланиш зарур. Жаҳон божхона ташкилоти ва БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) тавсиялари шу йўналишда қонуний механизмларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Махсус мониторинг, электрон тизимлар ва иқтисодий таҳлилнинг интеграцияси натижасида қонунбузарликларни олдини олиш ва уларга нисбатан тезкор чора кўриш имконини оширади. Шу тариқа, жавобгарликни такомиллаштириш ва ҳуқуқий назорат механизмларини ривожлантириш биргаликда қонуний асосда амалга оширилса, божхона тўловларидан бўйин

⁷ Shomirzaev S., Sheraliev B., Gafurov F., Bojxona sohasidagi ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlarni yuritish tartibi va protsessual hujjatlar namunalari. Uslubiy ko'rsatma. – T: DBQning Bojxona instituti, 2022.

товлаш жиноятининг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий таҳдидлари сезиларли даражада камаяди.

Хулоса:

Божхона тўловларидан бўйин товлаш ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан жиддий муаммо сифатида намоён бўлиб, давлат манфаатлари, ички бозор барқарорлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий ишончини таъминлашни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар нафақат моддий зарар келтиради, балки миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини пасайтириш ва давлат назорат тизимининг ишончилигини заифлаштириш хавфига эга.

Божхона соҳасида жавобгарликни такомиллаштириш, биринчи навбатда, назорат ва жазо механизмларини интеграциялаш, замонавий таҳлил ва мониторинг воситалари орқали ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш ва уларга самарали таъсир кўрсатишга асосланиши керак. Шу билан бирга, жазо чоралари шахснинг нияти ва амалга оширилган ҳаракатларнинг оғирлиги асосида адолатли ва прогноз қилинадиган тарзда белгиланиши ҳуқуқий тизимнинг самарадорлигини оширади.

Шу тариқа, боғхона тўловларидан бўйин товлашга қарши самарали чора-тадбирлар нафақат давлат бюджетига тушумларни сақлаш, балки ички бозорни адолатли тартибга солиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, боғхона тизимининг стратегик мақсадларини амалга ошириш ва миллий иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш учун зарур асосни ташкил этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жинойт Кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/ru/docs/97664>
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси - 22.04.2016. <https://lex.uz/docs/2876354>
4. Shomirzaev S., Sheraliev B., Gafurov F., Bojxona sohasidagi ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlarni yuritish tartibi va protsessual hujjatlar namunalari. Uslubiy ko'rsatma. – T: DBQning Bojxona instituti, 2022.
5. Bojxona sohasini ma'muriy-huquqiy tartibga solish. Salixova F. 2024 <https://library-tsul.uz/category/bojxona-huquqi/>
6. Bojxona huquqi. Salixova F.T., Rahmatov E.J., Askarov J.T. 2019. <https://library-tsul.uz/category/bojxona-huquqi/>
7. Федоров А.В. Уголовная ответственность за контрабанду: проблемы квалификации и применения законодательства. – Москва: Юрлитинформ, 2019.
8. Global Economic Crime Report. – Thomson Reuters Foundation, 2022. <https://www.trust.org/2023/05/11/thomson-reuters-foundation-publishes-2022-annual-report/>
9. Жаҳон Божхона Ташкилоти. SAFE Framework of Standards to Secure and Facilitate Global Trade. – Brussels <https://www.wcoomd.org>